

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Гулистон давлат университети

Бошланғич таълим услугиёти кафедраси

Холиқова Сурайёнинг

5141600–Бошланғич таълим ва спорт- тарбиявий иш таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун «Бошланғич синфларда ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг авзалликлари » мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доц.П.Холматов

Гулистон –2014

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	
I-БОБ. Бошланғич синфларда ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг педагогик асослари.....	
1.1. Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти.....	
1.2. Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари	
II-БОБ. Бошланғич таълимда замонавий ўқитиш усулларини қўллашнинг шарт-шароитлари.....	
2.1. Бошланғич таълимда замонавий ўқитиш усулларини қўллаш йўллари	
2.2.Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси.....	
Умумий хулосалар ва методик тавсиялар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда кабул килинган «Кадрлар тайерлаш Миллий дастурининг асосий мақсадларидан бири ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол, мустақил фаолият кўрсатадиган, эркин фикрлайдиган шахсни шакллантиришдир. Шу мақсадда шахсни ҳар томонлама ижтимоий шаклланишини таъминлайдиган замонавий узлуксиз таълим тизими жорий этилди. Узлуксиз таълимнинг моҳияти аник мақсад йулида фаолият кўрсатувчи шахсни шакллантириш борасида амалга оширилувчи ижтимоий-педагогик жараен самарадорлигини таъминлашдан иборат. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар жамиятни янгилашда асосий масала ҳисобланади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараҳҳиёти таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг билим даражасига боғлиқ.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон сифатида тарбиялаш учун имкон берувчи, мукамал таълим тизимини яратиш, унинг самарадорлигини ошириш каби масалалар ташкил этади.

Бошланғич синфларда ўқитишнинг интерфаол усуллари қуллаш ҳозирги куннинг долзарб муоммоларини ташкил этади.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларига интерфаол усуллардан ақлий хужум, кластер, сухбат, баҳс, мунозара, бошкотирма, ролли ўйинлар педагогик технологияларни татбиқ этиш зарурияти педагогик технологиянинг мазмуни ҳамда анъанавий таълим моҳиятини ўрганиш, таҳлил этиш асосида юзага келади.

Бизга яхши маълумки, анъанавий таълим мазмунини асосан педагог бу жараёндаги авторитар мавқеи, бошланғич синф ўқувчиларининг суст фаолияти асосига қурилган бўлиб, бошланғич синф учун ажратилган вақтнинг асосий қисми педагоглар томонидан муҳим назарий маълумотларни баён этишга сарфланар, бошланғич синф ўқувчиларининг фаоллигини таъминлашга зарурият сезилмаслигини

ифода этарди. Педагог бошланғич синф ўқувчиларининг фаоллигини юзага келтиришга вақт нуқтаи назардан ҳам имкон топа олмас эди.

Бошланғич синф ўқувчилари фаолиятини назорат қилиш эса ёзма иш ва имтиҳон натижалари асосида баҳоланар эди. Ваҳоланки, ўқувчининг муайян даврдаги фаолиятини маълум вазиятларда акс этган кўрсаткичлар билан баҳоланиши объектив ёндашув эмаслиги педагогик амалиётда тасдиқланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида бу соҳани давр талаблари асосида такомиллаштиришга хизмат қилади, интерфаол усулларни куллаш, бошланғич синф дарслари ўқув жараёнини интерфаол усуллари асосида ташкил этиш муҳимдир.

Ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиб, сифатли, арзон, шунингдек, ташқи кўриниши жиҳатидан бежирим бўлган маҳсулотларга нисбатан эҳтиёж кучаяётган бир шароитда раҳобатга бардош бера оладиган технологияларни яратиш кўникмасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини илмий асосда ташкил этиш зарурияти педагогика фани олдида бошланғич синфларда интерфаол усуллар асосида ташкил этиш ва уларни татбиқ этишнинг назарий-амалий асосларини яратиш вазифасини ҳўйди.

Америкалик педагог олимлар Боб Кизлик ва Ф.С.Келлер педагогик техника назарияси ғояларини ягона таълим тизимининг муайян босқичига татбиқ этиш борасида муҳим ишларни амалга оширди ва олий ўқув юртлари фаолиятига педагогик технология усулини кўллашнинг индивидуаллаштирилган тизимини яратдилар .

Л.А.Бойкова, Л.К.Гребенкина каби олимларнинг тадқиқотларида педагогик технология назариясининг педагогик фаолиятни илмий асосда ташкил этиш, бу борада самарадорликка эришиш, педагоглар маҳоратини оширишдаги аҳамияти каби масалалар ёритилган бўлса, таниқли рус олими И.П.Иванов жамоавий-ижодий фаолиятни ташкил этиш технологиясини яратишга асосий эътиборни қаратди.

Бугунги кунда олимлар томонидан Ж.Уотсон, Э.Торндайк, С.Пресси, Б.Скиннер, Р.Геньэ, Б.Блум, Л.Бриггис, Ф.С.Киллер, А.Ромишевский, В.Гузеев, М.В.Кларин, Боб Кизлик, В.П.Беспалько, В.Сластёнин, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган С.Азизходжаева, М.О.Очилов, Б.Фарберман, С.Ю.Маҳмудов, У.Нишоналиев, Н.Саидахмедов, Ў.Ҳ.Толипов, К.Зарипов ва У.Сатторовларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида йўлга қўйиладиган педагогик фаолият жараёнига педагогик технология назариясини татбиқ этиш борасида амалий фаолиятлар олиб борилмоқда.

Анъанавий ўқитиш технологияси асосан «ўқитувчи-ўқувчи» тарзида умумий характерда бўлиб, унда ўқувчи таълим жараёнининг объекти, яъни пассив шахс сифатида қаралади. Педагогик технологияда «Ўқитувчи - таълим - ўқувчи» тизимига асосланади ва унда ўқувчи субъектга яъни, таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Бунда ўқувчига ўзи изланишга, ўзи мушоҳада юритишга шароит яратувчи ташкилотчига ва уни назорат этувчи бошқарувчига айланади.

Маълумки, узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий техник тараққиётнинг такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Инновацион технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув – тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларнинг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилади.

Узлуксиз маълум чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим – тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, усул, восита, услуб ва йўналишларининг мукамал уйғунлигидан иборатдир. Узлуксиз таълим турли компонентлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян усуллар ва услубларнинг таълим жараёнига оқилона татбиқ этилиши таъминлайди.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий инновацион ва дидактик талаб ўқувчининг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида **мустақил ишлаш** самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, билимларни чуқурлантириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир. Жаҳон инновацион тажрибаси, замонавий инновацион технологияларининг ўқувчиларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

/5.6.7./

Таълим-тарбия жараёнини жаҳон ривожланган таълим даражасига кўтаришда фаол иштирок этиши билан бирга ўқувчилар қалби ва онгида меҳнатсеварликни шакллантириши муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда инновацион технологияларни татбиқ этиш ундан фойдаланиш борасида ишлар қилинган аксарият ишларда узлуксиз таълим жараёнининг юқори бўғинлари олинган. жумладан Х.Бобобеков, Р.Ишмухаммедов, А.Абдукадиров, Б.Зиёмухамедов, Ж.Йўлдошев ва бошқа ишлар шулар жумласидандир. Бизга яхши маълумки Х.Бобобековнинг Академик лицей ва касб ҳунар коллежларида ўтказиладиган ритуаллар тизими, Р.Ишмухаммедов, А.Абдукадировларнинг Таълимда инновацион технологиялар, тарбияда инновацион техноглогиялар, Б.Зиёмухамедов каби дарслик ва қўлланмалари бизга яхши маълум. Ж.Йўлдошевнинг ” Инновацион технология асослари “каби дарслик ва ўқув қўлланмалари бизга яхши таниш. Аммо бошланғич синфларда инновацион технологиялар тўғрисида қилинган ишлар мавжуд эмас.

Бизга яхши маълумки олимлар томонидан Б.Блум, В.П.Беспалько, В.Сластёнин, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган С.Азизходжаева, М.О.Очилов, Б.Фарберман, С.Ю.Махмудов, У.Нишоналиев, Н.Саидахмедов, Ў.Толипов, ва У.Сатторовларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида йўлга қўйиладиган педагогик фаолият жараёнига педагогик технология назариясини татбиқ этиш борасида амалий фаолиятлар олиб борилмоқда. Жумладан бошланғич таълимда замонавий дарсларни ташкил этиш бўйича педагоглардан Ж.Ф.Юлдашев. Р.Мавлонова .М.Ҳайдаров.Х.Санакулов.М.Ширинов ва бошқаларнинг қўлланмалари бизга яхши маълумдир.

Республикамизда ушбу муаммога оид изланишлар, тадқиқотлар олиб борилаётган бўлсада унинг яхлит методикаси, тизими ҳалигача ишлаб чиқилган эмас. Шунинг учун ҳам бу ҳолатни тузатиш учун жиддий эътибор ажратиш зарурлиги долзарб инновацион муаммо сифатида эътироф этдик .

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида» ги конун асосида Ўзбекистонда амал қилинаётган кўп босқичли таълим тизимида мактабларда янги стандартлар ва дастурлар асосида таълим эскирган методикалар бўйича олиб борилишига йўл қўйиб бўлмайди. Таълим тизими тузилишидаги кенг қамровли ислохотларни Республика педагоглари илғор инновацион технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш билан мустахкамлашлари зарур. Юқорида таъкидланганидек, бунинг учун педагогларни ўқув жараёнига, ПТ га ўргатиш талаб этилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Бошланғич синфларда ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш мазмуни шакл ва усуллари уни қўллашга қўйиладиган талабларни аниқлаш .

Тадқиқотнинг объекти: Бошланғич таълимда педагогик технологияларни татбиқ этиш этиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллаш методлари.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Бошланғич таълимда педагогик технологияларни татбиқ этиш аниқлаш ва татбиқ этишнинг педагогик асосларини ёритиш
2. Бошланғич таълимда замонавий дарсларга қўйиладиган талаблар уларни аниқлаш ни татбиқ этишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш.
3. Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллашнинг афзалликлари мазмун ва моҳиятини ёритиш.
4. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот методлари: тадқиқот муаммосига оид инновацион, психологик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш, назарий жиҳатдан таҳлил этиш; таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг мавжуд ҳолатини ўрганиш; инновацион кузатув; суҳбат; анкета сўрови; инновацион тажриба; математик-статистик метод.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллашнинг афзалликлари тадқиқот сифатида тадқиқ этилди; Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллашнинг афзалликлари мазмунини ва методикаси аниқланди; мазкур фаолият самарадорлигини таъминловчи шакл, метод ва воситалар тизими ишлаб чиқилди; таълим жараёнини ИТ асосида ташкил этиш воситасида таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади: Бошланғич таълимда замонавий дарсларга қўйиладиган талабларни аниқлаш татбиқ этишнинг мазмуни ва моҳияти ишлаб чиқилди; инновацион технологиялар «таълим технологияси», «ўқув жараёнини ИТ асосида ташкил этиш» каби тушунчалар инновацион нуқтаи назардан шарҳланди; таълим жараёнини ИТ асосида ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг мазмуни, методлари, шакл, ва воситалари аниқланди; тадқиқ этилаётган жараёни самарадор-лигини оширишга йўналтирилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

Бошланғич таълимда педагогик технологияларни татбиқ этиш ташкил этиш замонавий дарсларга қўйиладиган талабларни аниқлаш ташкил этиш омиллари, йўллари, инновацион шарт-шароитлари кўрсатиб берилди. Тадқиқот ишида илгари сурилган назарий қарашлар таълим-тарбия жараёнини мазмунан бойитади, ушбу жараёни такомиллаштиради ҳамда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши: БМИ кириш, 2 боб, 4 параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат.

I-БОБ. Бошланғич синфларда ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг педагогик асослари

1.2. Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълимда илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш принципига алоҳида эътибор берилган. Педагогик жараёнинг эскириб қолган технологиясини янгисига алмаштириш, замонавий мактабга давр талаблари асосида ёндашиш, дарсга эса янгича усулларнинг лойиҳасини қўллаш асосий вазифа бўлиб қолди. Шунингдек таълимда замонавий педагогик технологияларга, дарсларни ўқитишнинг фаол усулларини қўллаб ташкил этиш муаммоларининг ечимига қўйилган талаб тобора ортиб бормоқда. АКШ ва Европа мамлакатларида «таълим технологияси» сифатида эътироф этилган назария бўлиб, унинг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, таълим тизимини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ғояси ўтган асрнинг бошларида ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш ва бу борада муайян муваффақиятга эришиш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондиришга ўриниш натижасида вужудга келган. Ушбу ғоя XX асрнинг 30-йилларида бошланғич синф дарсларига «педагогик техника» («таълим техникаси») тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланган. Бу соҳадаги мавжуд адабиётларда «таълим техникаси» тушунчаси ўқув машғулотларини

аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул, воситалар йиғиндиси дея талқин этилади. Таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллар сифатида ўқув жараёнига ўқув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан унумли фойдаланиш йўлларининг ишлаб чиқилиши, материал мазмунини кўрсатмали хуроллар воситасида бошланғич синф ўқувчиларига етказиб бериш кабилар қайд этилади.

XX асрнинг 50-йилларида аудиовизуал воситаларнинг яратилиши ҳамда улар хизматидан фойдаланиш «таълим технологияси» нинг йўналишини белгилаб берувчи омилдир дея баҳоланди [16]. Ушбу босқичда асосий эътибор техник воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилиши, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, ахборот сифимини ва уларни узатишни такомиллаштириш ва индивидуал таълимни йўлга қўйиш каби масалаларнинг ижобий ҳал этилишига ҳаратилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида таълим фаолиятини аввалдан пухта ишлаб чиқилган дастур ғояларига мувофиқ ташкил этиш ташаббуси кўтарилди. Дастурлаштирилган таълим ўқувчи ёки бошланғич синф ўқувчиларига муайян билимларни ҳисмларга бўлиб таҳдим этилиши асосида бошланғич синф дарсларини ташкил этишни назарда тутди. Дастурлаштирилган таълим мазмунида унинг мақсадлари, баҳолаш мезонлари бошланғич синф дарслари моҳиятининг аниқ тавсифини кўрсатувчи кўрсаткичлар эканлигига алоҳида ўрин ажратилди.

Ривожланган мамлакатларда бу соҳада бой тажриба тўплангандир. Педагогик технологиялар моҳиятини тўлақонли англаш учун мазкур иборанинг луғавий маъносини тушуниб олиш таҳозо этилади. «Технология» юнонча сўз бўлиб, «*techne*» - маҳорат, санъат ва «*logos*» - тушунча, таълимот, фан маъносини англатади.

«Таълим технологияси» иборасининг маъноси - (инглизча «*An educational technology*») бошланғич синф дарсларини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир [24]. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Фойдаланишга топшириладиган бошланғич синф дарсларининг самарадорлигини ошириш таълим-тарбия жараёнини давр талаби даражасида янги педагогик технологиялар, техник ҳамда ахборотли воситалар билан хуроллантиришни таҳозо этади. бошланғич синф дарсларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мазкур жараённинг назарий-амалий ҳирраларини тадқиқ этиш, маҳсус ишланмалар ёки тавсияномаларнинг яратилишини талаб этади. Ана шу эҳтиёждан келиб чихқан ҳолда янги педагогик технология назарияси, унинг моҳияти таълим технологияларини ўқув муассасалари, шу

жумладан, бошланғич синф меҳнат таълими дарсларига татбиқ этиш муаммосининг ҳай даражада ўрганилганлигини тадқиқ этиш мақсадида мавзуга оид яратилган манбалар моҳияти билан танишиб чиқдик.

Узоқ йиллардан буён ушбу назария ва унинг моҳияти юзасидан тадқиқотлар олиб бораётган педагог олим В.П.Беспалько «таълим технологияси» тушунчасини «амалиётга татбиқ ҳилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси» дея таърифлаган бўлса, Н.Ф.Талъзина «фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи усулларни ишлаб чихарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан» эканлигига эътиборни ҳаратади.

В.В.Кларин томонидан яратилган «Педагогическая технология в учебном процессе» номли асарда В.П.Беспалько томонидан баён этилган мулоҳазалар тўлдирилиб, педагогик технологияларнинг бошланғич синф дарсларига татбиқ этиш шарт-шароитлари борасидаги қарашлар илгари сурилади. В.П. Беспалько ва М.В.Кларинларнинг тадқиқотларида «педагогик технология» тушунчасига таъриф берилган.

Б.Лихачев таълим технологияси тушунчасининг моҳияти «психологик педагогик ўғитлар йиғиндиси» ни англатишини қайд этган бўлса, В.И.Шепель Б.Лихачевнинг «шакл, метод, усул, ўқитиш йўллари ҳамда тарбиявий воситалар мажмуи» дир деган фикрини хўллаб-хувватлайди .

Ўз навбатида, В.М.Монахов В.П.Беспальконинг қарашларига хўшилган ҳолда таълим технологияси «ўқувчи ва ўқитувчиларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шароит яратиш орҳали ўқув жраёнини лойиҳалаш, ташкил этиш, ўқитиш бўйича уларнинг педагогик фаолиятини ҳар томонлама пухта ўйланган андозаси» эканлигига урғу беради.

Инглиз олимлари К.Томас ва Скиннерлар ўз тадқиқотларида дастурлаштирилган таълим моҳияти, истиҳболлари юзасидан фикр билдириб, унинг афзалликларига тўхталиб ўтади. Улар дастурлаштирилган таълимнинг қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар:

- дастлабки босқич муайян фан бўйича берилган мавзуларни ўрганишда уларни мумкин ҳадар кичик ҳисмларга бўлиш;
- иккинчи босқич (жавобни тезкор баҳолаш) ўқувчи томонидан берилган жавобнинг ҳаққонийлигини аниқлаш (бунда ўқувчининг жавоби ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган жавоб билан таҳҳосланади);
- топшириқларнинг аста-секин мураккаблашиб боришига эришиш;

Инглиз олими К.П.Марквордт таълим технологияларининг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштирилувчи билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага

келиши билан белгиланишини таъкидлайди. Бунда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

- тенг қийматли (эквивалент) амалиёт ҳоидаси: таълим олувчиларнинг бошланғич синф дарсларидаги хатти-ҳаракатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши кутиладиган хатти-ҳаракатларга тўла мос келади;

- ўхшаш амалиёт ҳоидаси: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган хатти-ҳаракатлари ни ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳиятан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;

- натижаларни аниқлаш ҳоидаси: таълим олувчига унинг ҳар бир хатти-ҳаракатининг мазмунини баҳолаш натижалари бўйича маълумот бериш, мазкур шартга аксарият ҳолларда жорий назоратни ташкил қилиш жараёнида риоя этилади;

- рағбатлантириш ҳоидаси: ўқувчининг маҳбул хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб бориш, педагогик фаолият жараёнида ўқувчи томонидан содир этилган салбий хатти-ҳаракатлар учун унга танбеҳ берилмайди, балки уларни бартараф этиш истагини юзага келтирувчи амалий кўрсатма берилади. Масалан «яна бир марта уриниб кўр», «янада чуқурроқ ўйлаб кўр», «масалани ҳал этишнинг янада осонроқ йўли бор, уни топишга уриниб кўр» ва ҳоказолар [16, 19].

Инглиз олими Б. Блум таълим технологияси мазмунида таълим мақсадининг аниқ белгиланиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда бошланғич синф ўқувчилари томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни аниқлаш мақсадида тест топшириқларини ишлаб чиқиш жараёнида мақсадни ойдинлаштиришга хизмат қилувчи таксономияни ишлаб чиқади. Таксономия муайян объектларни уларнинг ўзаро табиий боғланишлари асосида таснифлаш ва тизимлашдир.

Сўнгги йилларда ўзбек олимлари томонидан ҳам таълим технологияси назариясига оид бир хатор маҳола, рисола ва қўлланмалар яратилди. Хусусан, педагог олим М.О. Очилов мазкур иборани «Педагогик технология - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида ҳўлланадиган усул ва усуллар мажмуидир» дея шарҳласа [16], Н.Саидахмедов эса қуйидагича: «Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу

фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни”, - деган таърифни беради.

Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар эса «педагогик технология» тушунчанинг моҳиятини қуйидагича ифодалядилар: «педагогик технология - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир» [18].

Б.Фарберман, М.О.Очилов, Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан ҳам педагогик технология назарияси ва унинг моҳияти ўрганилгандир. Чунончи, Б.Фарберман ҳамда М.О.Очиловлар таълимни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашув, ўқув ва тарбиявий фаолият мақсадларининг назорат (тест) топшириқларига айлантириш, бошланғич синф дарсларида педагогик технологияларни қўллаш борасида фикр юритсалар, Ў.Толипов томонидан олиб борилган тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчи кадрларни тайёрлашга йўналтирилган фаолиятни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш масаласининг моҳиятини ёритишга кенг ўрин ажратилади [12.15.22].

Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан яратилган асарда педагогик технологиянинг назарий асосларини амалий педагогик фаолиятга татбиқ этиш масаласи ўрганилган. Шунингдек, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишнинг амалий асосларини очиб беришга ҳаракат қилинган [15].

Таълим тизимининг муҳим соҳаларидан бири меҳнат фани бўлиб, ўқув-тарбия жараёнига интерфаол усулларни жорий этиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, шу вақтга қадар ўқитувчи билим ва ахборот берувчи, ўқувчи эса фақат тингловчи бўлиб келарди. Лекин бугунги кун талаби мутлақо бошқа. Ривожланган давлатлар таълим тизимида эса ўқувчининг фаоллиги биринчи ўринга қўйилган. Демак, дарснинг ютуғи ҳам бутун машғулот давомида ўқувчиларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг фикрлаши, қизгин баҳслари, бир-бирига муаммоли мулоҳаза ва саволларининг кўплиги билан белгиланади.

Бугунги кунда ўқувчилар радио, телевизор, газета- журналлар, компьютер, интернет тармоғи, турли мулоқотлар орқали кўплаб ахборот оладилар. Шу сабаб улар фикрлаш борасида ҳатто ўзларига билим берувчи баъзи ўқитувчилардан ҳам ўзиб кетиши мумкин. Бу ҳол эса ўқитувчидан изланувчанлик ва ижодкорликни талаб этади. Янги усуллар билан дарс ўтиш, ўқувчиларни кўпроқ эркин фикрлашга ўргатишга даъват этади.

Интерфаол усуллар асосида дарс ўтиш ўқувчиларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотади ва уларнинг фаоллигини оширади. Натижада ўзлаштириш даражаси ортади. Кўплаб услубий манбалар бугунги кунда ўқитишнинг фаол усуллари кўллаш билан боғлиқдир.

Интерфаол усуллар асосида ўқитишнинг моҳияти ўқув жараёнининг ташкил этилиши билан боғлиқ бўлиб, бунда амалда барча ўқувчилар билиш жараёнига жалб этилган бўладилар, улар ўзлари билган ва ўйлаган нарсалар хусусида тушуниш ва рефлексиялаш имкониятига эга бўладилар.

Материалларни ўзлаштириш ҳар бир шахснинг ўзини алоҳида ўзига хос билимлар, ғоялар, фаолият усуллари билан алмашинув бораётганини англатади. Шу билан бирга ўзаро бир-бирини кўллаб-қувватлаш очик кўнгиллик муҳитида бўлиб ўтади, бу эса биргина янги билимларни олишга эмас, балки билиб олиш фаолиятининг ўзини ривож топишига, бу жараёнда ҳамкорлик қилишнинг янада юқорироқ шаклларга ўтказилишига имкон беради. Машғулотлардаги интерфаол фаолият қуйидаги 5 асосий элементларда йиғилади: позитив ўзаро қарамлик, шахсий масъулият, кўмак берувчи ўзаро ҳамжихатликда ҳаракат қилиш, биргаликда ишлаш ва гуруҳларда ишлаш кўникмалари билан боғлиқ бўлади.

Бунинг учун машғулотларда яқка тартибда жуфт-жуфт бўлиб ва гуруҳ бўлиб ишлаш ташкил қилинади, тадқиқот лойиҳалари асосида роллар тақсимланган ўйинлар кўлланилади, ҳужжатлар ва турли-туман информациялар манбалари билан ишлар олиб борилади, ижодий ишлар кўлланади.

Фикрлашга мажбурлаш (ақлий ҳужум), машғулот мазмунини кичик гуруҳларда таҳлил қилиш, ўйин воситасида таълим бериш, натижаларни тадқиқ қилиш, кузатув, гуруҳларда ишлаш, баҳс, иш қоғозларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш ва шу кабилар дарс самарадорлигига эришиш омили бўлиши муқаррар.

“Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Мия жанги”, ” Ким ошди савдоси” “Реклама” “Ролли ўйинлар”, ”Мунозаралар” каби интерфаол ўқитиш усулларида фойдаланиб “ўтказилса ўқувчилар учун аввалги машғулотларда ёки ҳаёт тажрибаларида ўзлаштирилган бирламчи билимлар ва тасаввурлар асосида умумий муаммолар муҳокама қилинади ва бундай машғулотлар юқори самара беради.

Бошланғич синфлар дарсларида интерфаол машғулотларни ўтказишдан асосий мақсад болаларда мустақил фикрлаш, тўғри сўзлаш, жониворлар, нарса–буюмларни тўғри номлаш, саноқ ва миқдорни, катта ва кичикни таққослаш ва фарқлаш, улар орасидаги ўзаро ўхшашлик ва фарқни кўра билиш, уларнинг луғавий маъноларини шарҳлаш каби нутқий-тафаккурий кўникмаларни, равон оғзаки нутқни ҳосил қилишдан иборат. Бу эса болани интеллектуал ривожланишга йўналтиради, ҳозиржавоблик, жадал фикрлашга одатлантиради.

Бундай ижодий ишлар ўқитувчидан, ўз иш фаолиятини қизиқарли топишмоқлар, ўйлаш ва изланишга йўналтирувчи лингводидактик ва лингвопсихологик топшириқлар билан тўйинтириш, лозим бўлса, шундай янги технологияларни ўрганиш ва ўз машғулотларида қўллашни тақозо этади. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ақлий тараққиётини жадаллаштириш, мустақил фаолиятга йўналтиришда тафаккур, идрок ва хотирани ривожлантириш, нутқий кўникмаларни мустаҳкамлаш машғулотлари алоҳида аҳамият касб этади. Синфда ва синфдан ташқари дарс-машғулотлари ушбу методда ташкил этилганда ўқувчилар эркин фикрлайди, мунозара-бахс юритади. Албатта, дарсни бундай усулда ташкил этиш осон кечмайди. Бунда ўқитувчининг ташкилотчилиги, чуқур билими, зийраклиги, назокат ва мулоқатга киришувчанлиги ҳамда бошқа хусусиятлари кўл келади.

1-машғулот. Ўйнаб туриб, ўйлаймиз, ўйлаб, тўғри сўзлаймиз.

Мақсад: Кузатиш, фикрлаш ва фикр ифодалаш кўникмаларини шакллантириш; Восита: Ўйлашга йўналтирувчи саволлар;

Кўргазма: Одам ва хайвон расмлари. Савол- жавоб ўйини.

Мавзу: Ўзимизни ўрганамиз.

Савол: Оёқ нима қилади?

Жавоб: Бизни олиб юради!


Савол: Қўл нима иш қилади?

Жавоб: Ҳамма ишни қилади,

Бизни хурсанд қилади:

Қўл билан овқат еймиз,

Мен жавоб берай, деймиз,



Тўғри ушлаб, ручкани

Ҳарфларни ёзамиз,

Оппоққина қоғозга

Гуллар расмин чизамиз.

Доираларни жамлаб, қорболани курамиз.

(болалар муайян вақт давомида

доирачалардан қорбола расмини чизишади,

ёки ясашади).

Савол: Қулоқ керакми, бизга, сиз нима дейсиз, Зухра?

Жавоб: Ўзи, жуда беўхшов, жойига тушмаган-ов,

Қулоқсиз дейишмасди, диққат билан эшитсак,

Ақлимизни пишитсак.

Савол: -Кимни қулоқсиз деймиз?

Жавоб: -Айтган ишни қилмаган, қулоққа гап илмаган,

Бир жойда жим турмаган, Жаҳонгирни-да! (Олимжонни-да
в.х.)

Тафаккурни ривожлантириш машқлари. Ўқитувчи (бошловчи)
савол-топишмоқ ёрдамида болалар диққатини жамлайди:

1. Қўли битта, оёғи тўртта нима у? (Фил)

2. Ўзи битта, қўли тўртта нима бу? (пашшахона)

Аввал ўқувчиларнинг жавоблари тингланади. Тўғри жавоб
берганлар рағбатлантирилади, агар тўғри жавоб топилмаса, жавоб эълон
қилинади.

Жавоб: -Биринчи топилмоқнинг жавоби - фил. Филнинг оёғи
тўртта, хартуми битта бўлади. Иккинчиси эса пашшахона - докадан
тикилган, пашшалардан сақловчи буюм.

Савол: -Филнинг кўли борми? (Энди ўқувчиларга филнинг расми кўрсатилади, жавоблар тингланади, нутқ ўстириш машқлари бажарилади).

Тўғри жавоб: Филнинг кўли–хартуми. Чунки у ҳамма ишларни ана шу хартуми ёрдамида бажаради, овқатланади, ювинади, дарахт баргларини узиб ейди, оғир юкларни кўтаради.

Савол: -Фил билан одамнинг фарқи борми?

Жавоб:-Фил-катта, одам кичкина, филнинг оёғи тўртта, кўли битта, одамнинг оёғи ва кўли иккитадан. Фил катта бўлса ҳам одамнинг буйруқларини бажаради, чунки одам ақлли.

Савол: Икки кўлингизга қаранг. Бармоқлар сони қанча?

Жавоб: 1,2,3,4,5,6,7,8, 9,10-Бармоқларимиз ўнта!

Савол: Тирноқларингиз-чи?

Жавоб: 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,-Тирноқларимиз ҳам ўнта!

Савол: Ҳаммаси қанча бўлади?

Жавоб: Йигирмата! Саволлар мураккаблаштирилади: Ўқитувчи: - Кафтингизни очинг. Бармоқларингизни ҳаракатлантирадиган, қошиқ, ручка ва бошқа нарсаларни ушлашга ёрдам берадиган жойнинг номи нима дейилади?

Жавоб: Бўғин.

Савол: Бўғимларни кўрсатинг. Уларнинг сони нечта? (Бармоқлар букилиб, букилган жойлар саналади).

Жавоб: 28 та!

Савол: Нима учун ўттизта эмас?

Жавоб: Чунки, бош бармоқда бўғинлар иккитадан..

Ўқувчиларда қиёсий тафаккурни ҳаракатга келтирувчи лингвопсихологик савол ва топшириқлардан намуналар.

Савол: Бармоқларда бўғинлар бўлиши шартми? Бўғинлар нима учун керак? Саволга жавоб бериш жараёнида болалар бармоқларини

ҳаракатлантирадилар, букадилар ва ёзадилар саволга жавоб қидирадилар.

Жавоб: Бўғинлар -бармоқларни букиш, буюмларни ушлаш учун керак. Савол: Яна қайси ҳайвонларда бармоқлар ва тирноқлар бор? Ҳайвон ва қушларнинг бармоқлари нима дейилади? (туёк, панжа).

Савол: Отнинг туёғи билан қўйнинг туёғи ўхшашми?(ҳа, йўқ) Айтинг-чи, туёкнинг қаери ўхшайди, қаери ўхшамайди?

Жавоб: Оёқнинг учидалиги, ранги ўхшайди, тузилиши ўхшамайди. Отнинг туёғи бутун, қўйники икки туёкли бўлади.

Савол: Панжа қайси ҳайвонларда учрайди?

Жавоб: Мушук, ит, бўри, тулки, йўлбарс, шер. (Ўқувчиларга юқорида айтилган ҳайвонларнинг расми кўрсатилади).

Савол: Улардан энг каттаси қайси? Энг кичиги қайси?

Жавоб: Энг каттаси шер, энг кичиги мушук.

Ўқитувчи (Ота-она): Сизлар жуда ҳам ақлли болалар экансизлар. Ҳамма саволларимга тўғри жавоб бердингиз. Энди «Менинг мушукчам» номли шеърни ўрганамиз. (Шеър матни тарқатиб берилади)

Менинг мушукчам Гилос, кичкина масҳарабоз

Пардаларга осилиб, ўйнайди дорбоз-дорбоз,

Хафа қилмас ўртоғин, тоза тутар тирноғин,

Тутиб олса, сичқонча ўйнар, чарчаб қолгунча!

Уйга вазифа: Шеърни ёдланг. Ит, мушук ва қушларни кузатинг.

Уларнинг ёввойи турлари, табиатда бажарадиган вазифасини айтинг.

Ўқувчиларга билим беришнинг асосий шакли дарсдир. Бугунги дарс ўқувчида ижодий қобилиятни ўстириш, ақлий салоҳиятни кенгайтириш, илмий дунёқарашни таркиб топтириш ва ҳар бир янгиликни тўғри қабул қила олишни ўргатиши керак. Шундай экан, дарсда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари илмий асосда ташкил этилиши, ўқув мақсадларини амалга ошириш учун метод ва воситаларни тўғри танлай олиш ғоят муҳим

аҳамиятга эга. Ҳозирги дарсда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва ижодий изланишга йўналтиришдан иборатдир.

Дарсда ўқувчиларнинг эркин, ижодий ишлашлари учун шароит яратиш керак. Бунинг учун дарсларнинг ҳар бир қисми аниқ лойиҳалаштирилиши, ўқув материални билим эгалловчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мослаштириш талаб этилади. Анъанавий таълим усуллари билан бирга интерфаол усуллардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Интерфаол усуллардан фойдаланганда асосий урғу ўқувчиларни ҳамкорликда ишлашларига имкон берилиши ҳисобланади. Интерфаол усуллар ўқувчида эркин фикрлаш, ижодий қобилиятни шакллантиришга хизмат қилади.

1.2.Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари

Бугунги кунда ўқитишнинг фаол усуллари қўллаш педагогик технологиянинг асосини ташкил қилади. Педагогик технология ўз олдига таълим шакллари муқобиллаштириш вазифасини қўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро фаолиятини ҳисобга олиб, таълим бериш ва таҳсил олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир.

Тез ва тўғри фикрлашга йўналтириш (ақлий ҳужум), машғулот мазмунини гуруҳларда таҳлил қилиш, ўйин воситасида билим эгаллаш, натижаларни тадқиқ қилиш, кузатув, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс, дарсга меҳмон ташрифини ифодалаш ёки таҳлиллар асосида дарс ўтказиш, анкета

сўровларини ташкил этиш, оғзаки ва ёзма машқлар бажариш, видеофильмлар намоиши, кассеталарни тинглаш, компакт дисклар ва кўргазмали материаллардан фойдаланиш, турли хил компьютер дастурларини кўллаб, дарсларни ташкил этиш ўз самарасини бермоқда. Дарсларда ҳар хил усулларни кўллаш ўқувчиларда фанга қизиқиш уйғотади ва уларнинг фаоллигини оширади. Натижада ўзлаштириш даражаси ортади. Бунинг учун ўқитувчи моҳир бўлиши ва мавзуларнинг мазмунига қараб дарсни режалаштириши, машғулот жараёнида барча ўқувчиларнинг онгли ва фаол ишлашларига эришиши лозим. Масалан, биз тегишли мавзунинг ўрганишда кўпинча «актив ҳужум» методини қўллаймиз. Бу методни қўллашда бирор муаммоли вазият келтириб чиқарилади. Уни ечиш бўйича ўқувчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадilar. Улар билдирган ҳар бир ғоя, фикрлар ҳисобга олинади ва доскага ўқувчининг фикри ёзиб бoрилади. ғоя ва фикрларни билдириш учун аниқ вақт белгиланади. Шу вақт ичида деярли барча ўқувчилар ўз фикрларини билдиришга, муаммони тўғри ечишга ҳаракат қилади, бош қотиради. Ҳатто қийин ўзлаштирадиган ўқувчилар ҳам муаммога, унинг ечимига қизиқади, у ҳақда фикр юрита бошлайдилар. Масалан педагогик технологияларга асосланган дарс намуналаридан бир неча юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

УЧРАШУВ ДАРСИ. Ноанъанавий дарслар ичида учрашув типидagi дарс деярли барча ўқув фанларида қўлланилиши мумкин бўлган самарали дарс ҳисобланади. анлар ривожига ҳисса қўшган буюк аллома, шоир, ёзувчи ёки фан арбоблари талайгина. Учрашув дарсининг моҳияти шундаки, дарс мавзусига мос равишда шун фанга ҳисса қўшган олим ёки ёзувчи «образи»га ўқувчилардан бири кириб, ўзининг хаёт йўли, ижод ва яратган асарлари ҳақида фикр юритилади.

Учрашув дарсининг кириш қисмида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1. Ўқитувчининг дарс мавзуси, мақсади, шиори ва дарс режаси ҳақидаги кириш сўзи.
2. Олим ёки шоирнинг энг яхши асарлари намоиши.
3. Шоир ёки олим «образи» даги ўқувчини синфга таклиф этиб, кутиб олиш.

Дарсининг асосий қисми:

1. Шоир (олим) нинг хаёт йўли ва ижоди ҳақида маъруза .
2. Ўқувчиларнинг «қаҳрамон» билан савол-жавоблари.
3. Шоир (олим) ижодидан намуна сифатида бадиий монтаж.

Дарснинг якуний қисмида:

1. Олим ёки шоир иштирокида «сирли сандиқ» ўйини (Сандиқда олим ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ саволлар бўлади).
2. Илғор ўқувчиларни тақдирлаш.
3. Шоир ёки олимнинг якуний сўзи.

Бундай дарсларда, дарс қаҳрамони портрети асарларидан намуналар, ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ кроссвордлар, гулдаста ва бошқа мукофотлар билан безатилади.

ИНТЕРФАОЛ

«Ўқувчи+ўқувчи», «ўқитувчи+ўқувчи» ўртасида содир бўладиган мулоқот усули. Ҳамкорликда ишлаш воситасида дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди. Савол-жавоблар жуфтликда ишлаш ва гуруҳларда фаолият кўрсатиш жараёнида амалга оширилади.

СИНОВ ДАРСИ

«Синов дарслар»и одатда боб ёки бўлим якунида, ўқув чораги ёки ўқув йили якунида барча умумтаълим фанларидан ташкил этиб ўтказилиши мумкин.

Бу дарснинг ўзига хос хусусияти шундаки, у янги педагогик технология элементларига асосланган турли кўринишларда ташкил этилиши мумкин. Унинг вариантларини танлаш ҳар бир фан мутахассисининг маҳоратига, илмий салоҳияти ва энг асосийси, унинг педагогик тажрибасига боғлиқ. Биз қуйида ҳамма ўқув фанларига мос тушадиган синов дарси вариантини келтирмоқчимиз:

1. Ўқувчи ва икки ўқувчидан иборат синов комиссияси тузилади. Ўқитувчи комиссияси раиси ўқувчилар аъзо қилиб тайинланадилар.

2. Синовнинг биринчи босқичи оғзаки савол-жавоб бўлиб, 20-30 та мавзуга доир саволлар доскасига ёзиб қўйилади. Синовга чиқарилган ҳар ўқувчи кимида 2 та саволга жавоб бериши лозим. Ундан ўтганлар синовнинг иккинчи босқичига иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

3. Синовнинг иккинчи босқичи ўтилган боб ёки бўлим мавзулари асосида тузилган 15 та саволдан иборат тест синови бўлиб, тест топшириқ варақалари ўқувчилар сонига мос равишда кўпайтирилади.

4. Дарс якунида оғзаки савол-жавоблар ҳамда тест топшириқлари якуни бўйича баҳоларни синов комиссияси эълон қилади.

«ЗАКОВАТ» ДАРСИ

Бу дарс орқали ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш анча самарали ҳисобланади. Унда математика, физика, информатика, кимё, биология, география, тил ва бошқа барча ўқув фанларида самарали фойдаланиш мумкин. Одатда, маълум фаннинг муайян боб ёки бўлими якунлангач бундай дарсларни ташкил этиб ўтказиш анча самарали ҳисобланади. Дарсни ўтказиш тартиби қуйидагича:

I. Синфдаги билимли, зукко ўқувчилардан 6 нафари танланиб «заковат» клуби ташкил этилади.

II. Бошловчи (аълочи ўқувчи ёки фан ўқитувчиси) 10 кун олдин синфдаги ҳар бир ўқувчидан дарс мавзуларига мос 2 тадан қизиқарли савол-топшириқлари туздириб олади ва топшириқларини тўплашни ташкил этади. Топшириқ мазмунининг махфийлиги таъминланиши зарур. Тушган саволлардан 11 таси сараланиб танланади.

III. «Заковат» дарсида бошловчининг ёрдамчиси конвертларни рақамлаб чиқади. Иштирокчилар навбат билан конвертларни тортиб 1 дақиқа ичида саволларга умумгуруҳда (6 киши) номидан якуний жавоб берадилар.

Бу ўйинда команда аъзолари ёки томошабинлар ғолиб бўлиши мумкин. 3 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати, берилган саволлар ҳамда жавобларни баҳолаб берадилар. Энг яхши савол яъни, энг зукко «заковат» клуби иштирокчиси қимматбаҳо китоблар билан тақдирланиб борилади.

МУСОБАҚА ДАРСИ

«Мусобоқа дарс» ларини умумий ўрта таълим фанларининг барчасида қўллаш самарали натижа беради. Одатда, боб бўлими якуни бўйича ўтказиладиган дарсларда уни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу дарсни ўтказиш тартиби қуйидагича бўлади:

I. Синфдаги ўқувчилар қаторига қараб 3 та командага ажратилади. Уларга ном қўйилади. Эмблема тайёрланади. Сардорлар тайёрланади.

II. Уч кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилади. Ўқитувчи дарс мавзуси юзасидан 60 та савол ва ҳар бир саволга мос равишда 60 та юлдузча тайёрлайди. Ҳар бир тўғри жавобга 1 та юлдузча берилади.

Дарснинг бориши қуйидагича амалга оширилади:

1) 5 минутлик муסיқали пауза. Командалар ўз номларини изоҳлаб, ўз шиорларини эълон қиладилар.

2) Уй топшириғи (энг оригинал бажарилган уй иши – 5 балгача баҳоланади).

3) Ўйлаб топ! Мусобақаси ҳар бир командага 10 тадан қисқа, қизиқарли савол берилади. Тўғри жавоб юлдузча билан тақдирланади.

4) Сардорлар баҳси-мавзу юзасидан 3 тадан қизиқарли саволлар берилади, тўғри жавоб юлдузча билан тақдирланади.

5) Рассомлар конкурси – ҳар командадаги бир рассом ўқувчи танланиб, у дарс мавзусига атаб расм чизиб ҳакамлар хайъатига топширади.

б) Энг яхши шеър танлови – дарс мавзусига аталган энг яхши шеър команда томонидан ҳакамлар хайъатига тақдим қилинади. Дарс якунланиб хулоса чиқарилади.

ИЖОДИЙ ДАРСЛАР

«Ижодий дарслар» барча умумтаълим фанларидан ўтказилиши мумкин. Илғор тажриба шуни кўрсатадики, бундай дарсларни таълим тайёргарлиги анча юқори бўлган синф ўқувчилари иштирокида ўтказиш яхши самара беради. «Ижодий дарслар» ни ташкил этиш методикаси куйидагича:

Синф ўқувчилари ихтиёрий равишда 5 та гуруҳга ажратилади.

1-2 гуруҳларга янги дарс мавзуси бўйича кроссвордлар тузиш топширилади. Бунга 10 дақиқа вақт ажратилади.

3-4 гуруҳларга дарс мавзуси бўйича «Эврика» - мантиқий - дидактик саволлар берилиб шу асосда ўйин олиб борилади. Унда ҳар ўқувчига 2 тадан савол-топшириқ берилади. Жавоблар учун 10 дақиқа вақт ажратилади.

5-гуруҳ «Сценаристлар» гуруҳи бўлиб, улар дарс мавзусига бағишлаб, хужжатли, мультфилм шаклларида бирини танлаб сценарий ёзадилар. Сценарий усули ҳажвий, юмористик жиддий, драма шаклларида бўлиши мумкин.

3 кишидан иборат ҳакамлар хайъати ижодий ишлар кўригини ўтказди ва натижаларга балл қўйяди. Ҳакамлар ишининг якуни учун 5-10 дақиқа кифоя. Бу дарсда мусиқали танаффус бўлиши мумкин.

КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ УСУЛИ

Синф ўқувчиларига дарсинг бошида 2-30 минут мавзудаги асосий муаммо ҳақида йўналтирувчи топшириқлар берилади. Сўнгра синф 3-4 ўқувчидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Бу

гуруҳларнинг сардорлари бўлади. Ўқувчи кичик гуруҳларда ишланганда, дарсада фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишига, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарни қадрлашга ўрганади. Усул куйидаги тартибда қўлланилади.

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланилади.

2. Керакли асос яратилади. Ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида маълум бир тушунчага эга бўлишлари керак.

3. Гуруҳларга 3-4 тадан ўқувчилар бирлаштирилади. Гуруҳ раҳбарлари тайинланади.

4. Ўқувчи томонидан мазкур муаммо бўйича ўқувчиларга аниқ кўрсатмалар берилади.

5. Ўқувчиларнинг иши қўллаб-қувватлаб ва йўналтириб турилади.

6. Мазкур масала юзасидан ҳар бир гуруҳ раҳбари ўз гуруҳдошлари номидан чиқиб ўз нуқтаи назарини баён этади. 8-10 та гуруҳ раҳбари чиқиб ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади. Ўқитувчи якуний хулосалайди.

МУЗЁРАП

Ўқувчиларнинг бир бирлари танишиб олишларига ишлатиладиган усул. Уни турли вариантларда қўллаш мумкин. Синф икки гуруҳга бўлиниб, доира ҳосил қилинади. Биринчи ўқувчи исмини айтади, навбатдаги ўқувчи ўзидан олдинги ўртоғининг номини айтиб, сўнгра ўзининг исмини қўшади ва шу тариқа давом эттирилади. Охирги ўқувчи ўзидан олдинги барча ўқувчилар номини айтиши керак. Қизиқарлироқ бўлиши учун болалар номларидан олдин исмлари билан бошланадиган сифатларни қўшишлари ҳам мумкин. Масалан, тиришқоқ, Толибжон, Соҳибжамол, Салима ва ҳоказо.

ПИНБАРД УСУЛИ

PEN – мустаҳкамлаш, BOORD – режа маъноларини англатади. Таълимнинг бу усулининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Унинг афзаллиги шундаки, у ривожлантирувчи ва тарбияловчи мақсадларни рўёбга чиқаради. Ўқувчиларда мулоҳаза юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

ПИНБАРД УСУЛИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
Тайёрлов босқич	Мавзуни аниқлайди, мақсадни аниқ ифода этади. Натижа ва баҳолаш мезонини аниқлайди. Қизиқтирувчи савол ва фикрларни шакллантиради.	
Мавзуни ишлаш босқичи	Мавзунинг тузилишини аниқлайди, ўз мулоҳазаларини билдиради ва ўқувчиларга ўз нуқтаи назарини баён этишни таклиф этади. «Пинбард» усули моҳиятини тушунтиради, мунозара бошланишини тезлаштириш учун тайёрланган саволларни беради.	Мунозара вақтида мавзуни ишлаб чиқадилар.
Ўз хулосаларини ёзма баён этиш	Кузатади.	Мунозара давомида шаклланган фикрларни, асосий хулосалар кўринишида қоғоз варағи ёки карточкага ёзиб доскага илиб қўяди.
Умумлаштириш босқичи	Маслаҳат ва тавсия орқали мажбур қилмасдан кўмак беради.	Ҳар бир гуруҳнинг 2-3 аъзоси ўртоқлари билан маслаҳатлашган ҳолда мазмунга қараб ахборотларни тартиб-лайдилар ва гуруҳларга ажратадилар. Стрелка чизик ва бошқа белгилар ёрдамида уларнинг ўзаро мунаса-батини бир бутун ёки карама-қарши нуқтаи назар-

		ларини шакллантирадилар
Якун ясаш, таҳлил қилиш ва натижаларни баҳолаш босқичи	Ўқувчилар томонидан амалга оширилган якун ясалади, таҳлил қилади ва баҳолайди.	Ўз-ўзига баҳо беришни амалга оширишлари мумкин.

Машғулотларда ишбилармонлик ёки ролли ўйинлардан фойдаланиш

Таълимнинг ишбилармонлик ёки ролли мусиқали ўйинлар усули-муаммоли вазифани, ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазиятларни саҳналаштириш орқали ҳал этадилар.

Таълимнинг бу усули қуйидаги вазифаларни бажаради:

Ўргатувчи-ўқувчиларда умумтаълим мактабларида билим олиш маҳоратини шакллантириш, аниқлаш ва таҳлил этиш;
 Ривожлантирувчи – мантиқий тафаккурни, нутқни атроф-муҳит шароитига ўргатиш қобилиятини ўстириш;
 Мотивацион – ўқувчиларни ўқув фаолиятига ундаш, мустақил ҳулосага келишига рағбатлантириш;
 Тарбиявий-маъсулияти, коммунакацияликни шакллантириш.

Ўйин усуллари ва вазиятларини машғулотларнинг белгиланган шаклида амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади;

1. Дидактик мақсад ўқувчилар олдида ўқув вазифаси кўринишида қўйилади.
2. Ўқув фаолияти ўйин фаолияти қоидаларига бўйсунди.
3. Ўйин воситаси сифатида ўқув материалларидан фойдаланилади.
4. Ўқув фаолиятига дидактик вазифани уйинга айлантирилган мусобақа элементини киритиш.
5. Дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижаси билан белгиланади.

ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Ишбилармонлик ўйини иштирокчиларига ўйин таклиф этилади. Унда баён қилинган хаётий вазият бўйича, иштирокчилар олдига фаолиятнинг битта умумий мақсади қўйилади, бу ҳам таклиф этилган муаммони ечиш.

Шу билан бир вақтда, ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун ечимни ишлаб чиқиш жараёни индивидуал-гуруҳли характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг қайси ролни ўйнаш бўйича қарор қабул қилади, кейин эса гуруҳ билан маслаҳатлашади. Унинг шахсий ролининг қандай бажарилиши бутун гуруҳ аъзоларининг натижаларига боғлиқдир. Одатда, ишбилармонлик ўйини давомида муаммони ечиш бир неча босқичда содир бўлади (2-3 тадан 10 тагача ўйин мобайнида).

Қатнашчилар фаолиятини баҳолаш якуний ва оралик даврдаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади.

Оралик баҳолаш, ўйин давомида ўқувчилар фаолиятига таъсир кўрсатиш, олдига қўйган вазифаларни мустақил амалга ошириш имконини беради.

Якуний баҳолашда ўқувчиларнинг ташкилий фаолияти ва улар томонидан ролли мақсадларининг бажарилиши ҳисобга олинади.

РОЛЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Ролли ўйин, ишбилармонлик ўйини каби вазифада кўрсатилган муаммони ечиш бўйича ўқувчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришига асосланган. Ўйин қатнашчиларининг асосий мақсади – муаммони ечишдир. Лекин индивидуал мақсадлар, ишбилармонлик ўйинидаги каби келишиб олинмайди. Ролли ўйин қатнашчиларининг ҳар бирининг мақсади ғалаба якунларини баҳолаш фақатгина умумий мақсадга эришиш натижаларига қараб эмас, балки ҳар бир қатнашчининг мақсадига эришишига қараб белгиланади.

Тавсия этилаётган ўйин мумкин қадар хаётий бўлиши керак, лекин қатнашчилар учун мураккаб ва қийин бўлмаслик лозим.

ИШБИЛАРМОНЛИК УСУЛИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
Тайёрлов босқич	<p>Мавзуни танлайди, мақсад, вазифа, натижаларни белгилайди; ўрганилаётган муаммони баён қилади;</p> <p>Қўйилган вазифани асослаб беради; ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқади; уйин тартибини, вазият мазмунини ва қатнашчиларнинг хусусиятларини баён қилади; қатнашчилар учун йўриқнома ва ўйиннинг атрибутларини тайёрлайди, натижаларни (қатнашчиларнинг фаол иштирокларини) баҳолаш мезонларини аниқлайди.</p>	
Ўйинга кириш босқичи	<p>Қатнашчиларни ва экспертларни (текширувчиларни) йўлга солади. Иш тартибини аниқлайди, машғулотнинг асосий мақсадини аниқлайди, муаммони қўйиш ва вазиятни танлашни асослайди. Натижаларни баҳолаш мезонларини эълон қилади. Қатнашчиларга материаллар солинган пакетларни таркатади; йўриқномалар, ўйин қаҳрамонлари хусусиятлари.</p>	Материалларни биргаликда таҳлил қиладилар, ролларни бўлиб оладилар
Ролларни бажаришга тайёргарлик	Йўналишни ўзгартириш ва бевосита аралashiш ҳуқуқсиз кузатади. Ўйиннинг	Улар тасдиқланган шарт-

<p>босқичи</p>	<p>оралиқ нәтижаларини баҳолашни амалга ошириш (таъминлайди), шу билан бирга, ўқувчининг фаолиятига, уларни онгли ёндашишини кўтариш мақсадида ўртача тасир кўрсатади.</p>	<p>ларга биноан ўзаро фаол ҳамкорликда роль ўйнайдилар шу билан бирга ошкора бўлмаган қоидаларга амал қилиб, ўйиндан чиқишни ман қиладиган, ўйинга суствлик билан ёндашувчи бошқаларни фаоллигини йўқ қиладиган одоб ахлоқ қоидаларини ва тартибни бузганларга йўл қўймайдилар.</p>
<p>Таҳлил қилиш, нәтижаларни баҳолаш ва яқун ясаш босқичи</p>	<p>Ўйин яқунини муҳокама қилишни йўлга солади. Таҳлилни илгари эълон қилган кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари билан чегаралайди. Бунда ўқувчилар томонидан берилган мавзунини тушунишдан ташқари роли мақсадларга етишиш даражаси, танқидий кузатилишларининг предмет бўлиб ўқувчиларнинг мимикаси, имо-ишораси уларнинг ўқув қуроллари билан бўлган муаммоси бўлиши мумкин.</p>	<p>Ўқитувчиларнинг тинглайдилар, фикр алмашадилар ролни мақсадларга етишиш учун ўз фикрларини ҳимоя қиладилар. Ўз харақатларини ва хулосаларини ўйин қаҳрамонларининг харақатлари билан таққослайдилар</p>

		чунки ҳар бир ўйин таълим олишнинг ижтимоий омилларига айланиши керак.
Яқун яшаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш босқичи	Кўлга киритилган кўрсаткичларни изохлайди, хатто ва камчиликларни кўрсатади, машғулотнинг узил-кесил хулосасини тинглайди, ўйиннинг ўрганилаётган фан, амалиёт билан боғлиқлигини белгилайди.	

Машғулотларда муаммоли вазифалар, лойиҳалар, индивидуал (амалий) усуллардан фойдаланиш

Муаммоли вазифалар усули – ўқувчиларни муаммоли вазиятларни ва уларни фаол билиш фаолиятини ташкил этиш усули бўлиб, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборат.

Бу усулнинг етакчи функциялари:

Ўргатувчи – билимларни актуаллаштиришга асосланган.

Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида факторлар орасидаги ҳодиса ва қонуниятни кўра билишни шакллантириш.

Тарбияловчи – коммуникатив кўникмаларини таркиб топтириш.

Муаммоли вазифалар усули ўқувчиларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга асосланган илмий тушунчаларни, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида ётган у ёки бу материални чуқур мантикий таҳлил қилишга асосланади.

Муаммоли вазифа хаётдан олинган факторларни маъруза ва вазифани ўрганиш, алоҳида шахслар ёки ташкилотларнинг манфатларни кўзлашдан иборат бўлиши мумкин.

Синф, гуруҳда муаммоли вазиятни яратиш усуллари:

Ўқувчиларни қарама-қаршилик томон олиб борасиз ва унинг ечимини мустақил равишда топишларини таклиф этасиз;

Амалий фаолиятда дуч келадиган қарама-қаршиликларни маълум қиласиз;

Бир саволга турли нуқтаи назардан қарашни баён қиласиз;

Ходисани турли мутахассислар назаридан кўриб чиқишни таклиф этасиз (масалан; ҳуқуқшунос, иқтисодчи, педагог ва ҳоказо);

Сиз таклиф этган вазиятни таққослашга, умумийлаштиришга, хулосалар чиқаришга, далилларни солиштиришга даъват этасиз;

Аниқ саволлар қўясиз (умумийлаштиришга, асослашга, аниқлашга, мантиқий фикр юритишга);

Муаммоли назарий ва амалий вазифаларни белгилайсиз;

Муаммоли вазифаларни қўясиз (масалан; ортиқча ёки етарли бўлмаган дастлабки муаммолар, саволни қўйишда ноаниқлик, қарама-қарши маълумотлар, бўлиб қилинган хатолар, белгиланган вақт ичида, руҳий сустликни енгиш ва ҳоказо).

МУАММОЛИ ВАЗИФАЛАР УСЛУБИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
Тайёрлов босқич	Мавзунини, муаммоли вазиятни танлайди, мақсадини, натижани ва уни баҳоланиш мезонини шакллантиради, қўйилган технологик харитани ва муаммони, вазиятни ўқувчилар томонидан ечиш йўлини	

	ишлаб чиқади.	
Муаммога кириш босқичи	Муаммоли вазиятни туғдиради, муаммони баён қиладилар, ўқувчиларни уни ечишга йўналтиради: шу билан бирга, уларни иш натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Гуруҳларга бўлинадилар, муаммоли вазият ва муаммо баён этилган материал билан танишадилар
Муаммони ечиш босқичи	Муаммони тўғри тушунгалигига ишонч ҳосил қилиш учун, керак бўлса, мақсадга йўналтириш учун бир гуруҳдан иккинчисига ўтади. Ўқувчиларга мавжуд муаммоларни турлича қилиб чиқиш мумкинлигини тушунишларига имкон беради.	Ушбу муаммони ечишнинг турли имкониятларига муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар, энг қулайларини топадилар, бир фикрга келадилар.
Натижаларни тақдим этиш босқичи	Диққат билан тинглайди. Оддий қатнашчи сифатида саволлар беради.	Натижаларини ха-бар қиладилар, бошқа гуруҳлар таклиф қилинган вариантларни муҳокама қиладилар.
Умумлашти Риш босқичи	Қисқача ва баҳосиз таклиф қилинган муаммони ечиш усули ва йўналишларининг энг асосийларини санаб ўтади, айниқса кўпчилик фикрига мос келганларини таъкидлайди. Муаммони тўлиқ ечиш даражасини бутунлигича ва ўқувчиларнинг ҳаракат стратегияси бўйича баҳолайди.	Энг қулай вариант-ни аниқлайдилар, гуруҳ ўз-ўзини ба-ҳолаши мумкин.

Муаммоли вазифалар усулидан самарали фойдаланишда энг аввало, топшириқ ўқувчилар савиясига мос бўлиши, улар ечимини топа оладиган бўлишлари керак. Ўрганиладиган материал хажми катта бўлса, ўқувчилар барча ахборотларни қабул қила олмайдилар. Ечимни топа олмаган ўқувчи барча мотивацияларни йўқотади.

Муаммоли топшириқни ишлаб чиқиш ҳар бир педогогдан катта меҳнат, илмий услубий билимларни талаб қилади. Одатда, гуруҳларни топшириқни бир неча мартда синовдан ўтказгандан кейингина қулай вариантни тузиш ва ўқувчиларга тақдим этиш лозим. Шунга қарамай, муаммоли топшириқлар назарияни амалий вазиятлар билан боғлаш имконини беради, ўқувчилар онгида билим олишга нисбатан маъсулият, ижобий мунасабатда бўлишга олиб келади, уларга ўргатилаётган материалларнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам беради.

ЎҚИТИШНИНГ «ЗИГ-ЗАГ» ЁКИ «АРРА» УСУЛИ

(Э.Пронсон 1978)

Ушбу метод кичик гуруҳлар 6-8 та ўқувчидан ташкил топади. Дарс давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул) ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан ўқувчилар бажарилиши лозим бўлган ўқув топшириқлари тузилади. Ҳар бир ўқувчилар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича «мутахассисга» айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил қилинади. Қайта ташкил қилинган гуруҳларда «мутахассислар» бўлиши шарт, мазкур «мутахассис» ўзлари эгаллаган билимлари худди арра тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қилади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

Масалан: синфда 32 та ўқувчи бўлса 8 тада 4 та гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳ ўзига берилган топшириқни ўрганиб «мутахассисларга» айланади. Иккинчи марта 4 тадан 8 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳда ўқув материалининг 4 тала қисмини ўрганган «мутахассис» бўлиши шарт, бу учун 4 хил рангли карточкалар билан ўқувчилар таъминланган бўлиши лозим. Чунки иккинчи маротаба гуруҳланишда 4 хил рангда ўқувчилар бирга бўлиши лозим.

Бу усулда билимларни пухта эгаллашнинг ягона йўли ўз хамкорининг ахборотини диққат билан тинглаш эканлигини англаган ҳолда, мушоҳада юритишга керакли маълумотларни дафтарга ёзиб боришлари шарт.

Дарс охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг билим даражасини тест топшириқлари ёрдамида аниқлайди. Тест олаётганда гуруҳлар тарқатилган бўлади.

Ушбу усулда ташкил этилган дарс босқичлари қуйидагилардан иборат:

- Ташкилий қисм.
- Ўқувчиларни мавзу, унинг мақсади билан таништириш уларнинг фаолиятини ташкил этиш.
- Янги мавзунинг ўрганиш. А) мутахассислар гуруҳ томонидан ўқув фазибаларининг сифатли бажарилишига эришиш.
- «мутахассислар учрашувчи» иккинчи гуруҳланишни ташкил қилиш ва ўқувчилар томонидан материалнинг яхлит ҳолда қайта ишлаб чиқилишини амалга ошириш.
- Янги мавзу юзасидан савол, жавоб, ўқув баҳсини юритиш.
- Гуруҳларни тарқатиш ва ўқувчилардан тест олиш.
- Янги мавзунинг қайта ишлаш ва яқунлаш.
- Уйга вазифа бериш.

«АРРА» УСУЛИ ДАРСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Босқичлар	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
босқич таҳлилий қисм 2 минут	Ўқувчиларнинг дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Дарс мавзуси мақсади, бориши ва унда бажариладиган топшириқларни англайди.
босқичи Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг билимларини назорат қилиш	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқлари ёрдамида ўқувчиларнинг билимларини	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқларини

ва баҳолаш 5 минут	назорат қилади ва баҳолайди.	бажаради.
босқичи Ўқувчиларининг билиш фаолиятини ташқил қилиш 3 минут	Ўқув вазифаларини дидактик мақсади, бажариладиган ўқув вазифалари билан таништиради.	Ўқув вазифа- ларининг дидактик мақсади, бажари- ладиган ўқув вазифалари юзаси- дан кўрсатмалар олади.
босқичи Янги мавзуни ўрганиш 20 минут	Ўқувчилардан «мутахассислар» тайёрлаш, гуруҳларни ва уларнинг мустақил ишини ташқил этиш. Ўқув дастуридан ўрин олган топшириқларни мустақил ўзлаштиришни таъминлайди.	Ўз ўқув фаолиятини ташқил этади. «Мутахассис» гуру- ҳи топшириқларни божаради. 1-гуруҳ, 2-гуруҳ, 3-гуруҳ, 4-гуруҳ. Ўқувчилар гуруҳ- ланади ва янги мавзуни ўргани- шади.
босқич Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш 10 минут	«Мутахассислар» учрашуви гуруҳини ташқил этади. Ҳар бир гуруҳда ўқув материали яхлит холда ишлаб чиқарилишини амалга оширади, ёрдам уюштиради. Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириқлари, саволлар беради.	«Мутахассислар» учрашуви гуруҳида ўзи ўзлаштирган, қисман баён этиб, гуруҳда ўқув мате- риали яхлит холда ишлаб чиқилади, иштирок этади. Тест топшириқларини бажаради саволларга жавоб беради.
босқич	Ўқувчилар фаолиятини ва нати-	Ўз ўқув фаолиятини

Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш	жани таҳлил қилиш, ўқувчиларга мустақил ва ижодий топшириқлар беради.	ва эришган натижасини таҳлил қилади ва баҳолайди. Мустақил ва ижодий иш топши- риқларини олади.
---	---	---

5-қатор Ибрат.

САҲНАЛАШТИРИЛГАН ДАРС

Саҳналаштирилган дарс одатда маълум мавзуга бағишланган дарсни саҳна кўриниши шаклига киритиб, унда ўқувчиларни бевосита кечаётган жараён иштирокчисига айлантиришдан иборат. Ёзувчи, шоир, олимлар ва улар ёзган асарлар мазмунидан сценарий тузилади ва ўқувчиларга роллар тақсимланади. Бундай дарсларни ташкил этишдан мақсад ўқувчиларда бадиий дид ва нафратни тарбиялаш билан бирга уларда бўлаётган воқеа мазмунини чуқурроқ англаб олишга эришишдан иборат.

Саҳналаштирилган дарснинг қимматли жиҳати шундаки, ўқувчилар кечаётган жараённи тўлиқ англаб етади. Жараён ичида бўлгани учун уни тўлиқ идрок эта олади. Ўқувчида гўзалликни ҳис эта

олиш, бадиий нафосат тарбияси шакллана боради. Саҳналаштирилган дарсларни барча аниқ ва гуманитар фанлардан дарс ўтиш жараёнида самарали қўллаш мумкин.

Шундай қилиб бошланғич синфларда таълимни ташкил этишга замонавий ёндашув, замонавий тафаккур таҳлилинини талаб этмоқда. Узлуксиз педагогик таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришда ушбу муаммонинг илмий жиҳатдан тўлиқ ўз ечимига ега бўлиши ҳозирги кун педагогикасининг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланди.

II-БОБ. Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интерфаол усулларни қўллашнинг шарт-шароитлари.

2.1. Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интерфаол усулларини қўллаш йўллари.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайерлаш миллий дастури» талабларини рўйга чиқариш куп жихатдан таълимга эркинлик бериш ва давр билан ҳамнафас ривожлантиришни талаб этади. Баъзи мамлакатларнинг таълим соҳасида тўпланган илғор тажрибалари таҳлилидан аён бўлдики, шахснинг интеллектуал салоҳияти, дунёқарashi, маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида у мансуб бўлган муҳит, унда қарор топган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг аҳамияти катта экан. Зеро, ушбу жамиятда унинг тафаккури, маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириши учун зарур бўлган объектив ва субъектив омиллар мавжуд. Ривожланаётган Ўзбекистон жамиятида таълим муассасалари, шу жумладан, бошланғич синф дарсларининг ҳам алоҳида ўринга эга. Зеро, муайян касб-хунар асосларидан ёш авлодни хабардор этиш уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Маълум касбий фаолият билан шуғулланиш шахснинг моддий эҳтиёжларини таъминлаш учунгина эмас, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига самарали татбиқ этилиши халқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш объектлари, илмий ҳамда ўқув муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш имконини беради. Жамият эҳтиёжлари асосида шакллантирилаётган баркамол авлод ва малакали мутахассиснинг ривожланишини таъминлашда бошланғич синф дарсларининг ўрни беқиёс эканлиги давлат сиёсати даражасида эътироф этилмоҳда. Айна вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саноат, савдо, хишлоҳ хўжалигини механизациялаштириш, транспорт, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўналишларида мутахассис тайёрлайдиган бошланғич синф дарслари ҳурилиб, уларда муайян мақсадга йўналтирилган ўқув фаолияти йўлга ҳўйилган бўлса, халқ хўжалиги учун зарур бўлган мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган кўплаб коллежларнинг ҳурилиши давом эттирилмоҳда. 2005 йилга ҳадар Ўзбекистон Республикасининг вилоят,

туман, шаҳар ҳамда хишлоҳ ҳудудларида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиҳболлари ва аҳоли, шунингдек, халқ хўжалигининг кадрларга бўлган ички эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда муайян йўналишларда фаолият кўрсатувчи янги турдаги ўқув муассасаларини жойлаштириш, уларнинг фаолиятини моддий-молиявий жихатдан хўллаб-ҳувватлаш, илмий-методик таъминлаш кўзда тутилган.

Ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланиш дан мақсад нима унинг афзалликлари дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат деган саволга қуйидагича ҳосилалар асосида жавоб бериш мумкин.

1. Ноанъанавий ўқитиш энг содда қулай усул.
2. Мустақил фикрлашни ўргатади.
3. Кўп тармокли.
4. Содда ва осон.
5. Билим бойлигини оширади.
6. Вақтдан ютади.
7. Қизиқарли ўтади.
8. Дарснинг самарадорлигини оширади.
9. Дунёқарашни кенгайтиради.
10. Тафаккурни ривожлантиради.
11. ўқувчиларининг диққат эътиборини тортади.
12. Ҳар бир ўқувчи билан индивидуал муносабатда бўлади.
13. Хотирани кенгайтиради.
14. Изланишга чорлайди.
15. ўқувчиларни ўз устида ишлашга чорлайди.

ўқитишдан кўзланадиган мақсад бу давлат таълим стандартларида белгиланган билим ва кўникмаларини ўқувчига етказишдан иборат.

бошланғич синф дарсларини ўқитишнинг интерфаол усуллари асосида ташкил этиш-уларда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этишда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларига билим бериш ва уларни тарбиялашда самарадорликка эришишга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, бунда бир ҳатор педагогик вазибалар ҳал этилиши лозим. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- бошланғич синф дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида муайян шарт-шароитларни яратиш;

- бошланғич синф меҳнат таълими дарслари педагог ходимлари ўртасида педагогик технологиялар моҳиятини очиб беришга қаратилган маҳсус ўқув семинарларини ташкил этиш;

- улар томонидан педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирилишига эришиш;

- бошланғич синф дарслари педагогларида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндошув хиссини тарбиялаш;

- бошланғич синф дарсларининг ўқитувчиларида технологик ёндашув асосида ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

- бошланғич синф дарслари ўқитувчиларининг томонидан таълим-тарбиявий ишларни янги педагогик технологиялар асосда ташкил этилишига эришиш;

- бошланғич синф дарслари ўқитувчиларининг технологик асосда педагогик фаолиятни ташкил этиш борасидаги маҳоратларини ошириш;

- бошланғич синф дарсларининг самарадорлигини таъминлаш.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув жараёнига жорий қилиш зарурлиги тўғрисида сўз юритиб келинмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида таълим мазмунига кўйиладиган талаблар янада кучайди. Ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги уқувчи - ўқувчиларнинг аксарияти дарсларга қизиқмай қолишган. Бунинг сабаби дарс мабойнида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқатнинг нотўғри ташкил қилинганли, дарс жараёнларининг қизиқарли олиб борилмаслигидир.

Таълим жараёни ноанъанавий суръатда фаоллик билан мауъян муаммони назарда тутган ҳолда, ҳамда кўзлаган мақсад ва вазифаларга мос методикани танлаб олиб борилсагина ўқувчи - уқувчиларни мукамал билимлар билан қуроллантириш, касб доирасида кўрсатилган масалаларга эга қилиш, мақсадга мувофиқ равишда иш тутишни ўргатиш мумкин.

Бернард Шоу “Агар сиз одамни ўқитиб, бирор нарсага ўргатмоқчи бўлсангиз, у ҳеч қачон ҳеч нарсани ўрганмайди”,- деган эди. Материални яхши ўзлаштириб олиши учун уқувчи шу материал устида ишлаши керак. Шунчаки қулоқ солиб тинглаш ёки кўздан кечиришнинг ўзи етарли эмас ва бундан яхши натижа кутиш ҳам мумкин эмас.

XXI – аср инновациялар асридир. Мамлакатимиз келажаги жамият ҳаётининг бошқа соҳалари билан бирга таълим тарбия тизимини

янги замон талаблари даражасига кўтаришга йўналтирилган ишларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

Таълим тарбия тизимини такомиллаштириш ўз навбатида бу соҳага янги, замонавий, илғор педагогик технологияларни изчил жорий этишга кўп жиҳатдан боғлиқ.. Таълим самарадорлиги оширишда ўқувчи бу жараёнда қай даражада фаол қатнашаётганлиги билан белгиланишини ҳисобга олган ҳолда янги ўқитиш услублари, шакллари таълим олувчиларга мустақил фикрлаш, ижодий ёндашиш учун имконият яратади.

Қуйида таълимнинг янги педагогик технологияларини дарс жараёнида қўлланилишида мисол келтирилган.

Янги педагогик технологиянинг мақсади:

- қатнашчиларни кўпроқ жалб этиш ва уларнинг бир-биридан ўрганишга имкон бериш;
- қатнашчиларга уларнинг ўз ғоялари ва фикрлари билан кўпроқ ўртоқлашиш имконини бериш;
- қатнашчиларни ўзларининг ўқишлари учун кўпроқ маъсулиятни ўз зиммаларига олишга мажбур қилиш.

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Шунинг учун ўқув юртлари малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя катта. Бунда педагогик

технология ва педагогик маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади.

Интерактив методлар - бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

ўқувчиларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

педагог ва ўқувчининг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиялар – педагогик технологиялар масалаларининг муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология - бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ТСО – ЎТВ (таълим самарадорлигини ошириш), (ўқитишнинг технологик воситалари), компьютер, масофали ўқитиш ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Ўқитувчи ва ўқувчининг мақсади бўйича натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатилган технология танланади, масалан, натижага эришиш учун

балким, компьютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ. Бундан ташқари ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитини, ТСО-ЎТВ ни энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиш керак, шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчини таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

2.2. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш

методикаси

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида тарбиявий фаолиятни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирларнинг қуйидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида уюштирилиши кутилган натижани ҳўлга киритиш учун имкон яратиши аниқланди:

а) тадбирлар шакллари - давра суҳбати, семинар, баҳс-мунозара, учрашув, танлов, кўрик, мусобақа ва бошқалар;

б) тадбирлар самарасини таъминловчи усуллар - тушунтириш, ҳикоя қилиш, кўрсатмалилик, манбалар билан ишлаш, шакллантириш, рағбатлантириш, жазолаш ва ҳоказолар;

в) тадбирлар самарадорлигини оширишда ҳўлланган воситалар - манбалар (ўқув дастури, қўлланма ва дарсликлар), кўргазмали, техник ҳамда ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот воситалари - газета ва журналлар), нутқ, педагогик тажриба, ёш ўқитувчиларнинг фаолияти ва бошқалар.

Тадқиқот давомида амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида бошланғич синф дарслари ўқитувчиларининг мавжуд шароитда тарбиявий тадбирларни ҳандай омилларга таянган ҳолда олиб бораётганликлари ва уларнинг самарадорлиги ҳай даражада эканлигини ўрганишга ҳаракат ҳилдик. Натижада қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашга муваффақ бўлдик.

Республикамызда мустақиллик йилларида умумтаълим мактабларида таълим соҳасида, ўқитишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ҳозирги жамият тараққиёти талабидан келиб чиқмоқда.

Жадвал2.1.

Тажриба-синов ва назорат майдонлари таркиби

№	Тажриба-синов майдонлари	Мактаб №	синфлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	уқувчилар сони
	Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри	16	2 а,.	30	30	60
			3а,3б.	30	30	60
			4а,4а	30	30	<u>60</u>
	Жами	1	бта	90	90	180

Тажриба-синов ишларини амалга оширишнинг дастлабки изланувчан босқичида ўқувчиларнинг қайси касбга мойиллиги борлигини сўраб билиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиб, улар билан ишлаш йўналишини белгилаб олишни мақсад қилиб қўйдик.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар унинг самарадорлигини таъминлаш, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб етиштиришга хизмат қиладиган узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилгандир.

Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларини самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланилди.

Шу мақсадда бошланғич синф дарсларида амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Бошланғич таълимда педагогик технологияларни қўллашнинг афзалликлари ундан кўзланган мақсад ва вазифаларни аниқланди, унинг самарадорлигини таъминлашга имкон берадиган мақбул шакл, метод ва воситаларни белгиланди.

2. Бошланғич таълимга оид интерфаол усуллар танлаб олинди ва дарсларда амалиётга татбиқ этилди.

3. Юқорида кўрсатилган интерфаол усулларни қўллаш педагогик фаолиятнинг сифат ва самарадорлигини оширишга имкон беради.

4. Бошланғич синф дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш асосида ўқувчиларнинг фаоллашиши ва дарс

самарадорлигин юқори бўлаганлиги тажриба –синов ишларида аниқланди.

Тажриба-синов ишлари давомида бошланғич синф дарслари ўқитувчиларининг тарбиявий ишлар жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги шахсий қарашларини шакллантириш, улар томонидан муайян андозаларнинг яратилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Юқорида баён этилган хулосаларга таянган ҳолда бу борада самарадорликка эришиш муваффақиятини таъминлашга хизмат қилувчи қуйидаги тавсияларни илгари сурамиз:

1. Бошланғич синф дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган бошланғич синф дарслари ўқитувчиларининг ўртасида кенг тарғиб этиш.

2. Бошланғич синф дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг яхлит тизимини яратиш.

3. Бошланғич синф дарслари ўқитувчиларининг педагогик технологиялар назарияси оид манбалар билан қуроллантириш.

4. Бошланғич синф дарсларида фойдаланадиган манбалар мазмунига педагогик технологиялар элементларини сингдириш.

5. Бошланғич синф дарслари ўқитувчиларинингни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини педагогик технологияларнинг назарий асосларига оид ўқув методик адабиётлар билан таъминлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат этсин Республика Президенти И.А.Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавоблари Тафаккур ж., 1998. № 2. 1-16-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1998.- 686 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истихлол, ихтисод, сиёсат, мафкура (Нутқлар, маҳолалар, суҳбатлар). – Т.: Ўзбекистон, 1993. - 364 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарҳ нашриёт-матбаа концерни, 1999. – 181 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ғўн иккинчи чаҳириҳ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда ҳабул ҳилинган. – Т.: Ўзбекистон, 1992. - 46 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ёғ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараххиятининг пойдевори – Т.: Шарҳ наشريёт-матбаа концерни, 1997. – 20 - 29 б.
7. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2000. - 52 б.
8. Беспалько В.И. Педагогика и прогрессивные технологии обучения – М.: ИРПО, 1996. - 336 с.
9. Беспалько В.И. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – 168 с.
10. Беспалько В.И. Теоретические основы стандартизации образования ёғ Педагогическое обеспечение государственного стандарта образования – М.: ИРПО, 1994. - с. бошланғич2.
11. Боголюбов В.И. Педагогическая технология: эволюция понятия. – Педагогика, 1991, №1. - с. 123-128.
12. Давлетшин М.Г. ва бошқ. хобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. - 134 б.
13. Давлетшин М.Р. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.

14. Зиёмухаммедов Б. Янги педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Chinoz ENK, 2002. - 124 б.
15. Информационные технологии в системе непрерывного педагогического образования ёғ Под ред. В.А.Извозчикова. - СПб.: Образование, 1996. - 224 с.
16. Йўлдошев Ж.ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1998. - 208 б.
17. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш шароитида ёш авлодни маънавий тарбиялаш шакл ва усуллари. Илм-амалий, конф. мат. – Т.: ЎзПФИТИ, 2001. - 287 б.
18. Касбий такомил ва фаолият самараси ёғ Методик тавсия ва кўрсатмалар. Бошланғичтўплам. – Жиззах. ЖДПИ, 2000. – 24 б.
19. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров. – Т.: Университет, 2000. – 103 с.
20. Магзумов П.Т. ва бошқ. Ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрлаш. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 208 б.
21. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. - Т.: Фан, 1993. - 105 б.
22. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т.: Ўқитувчи, 1998. - 94 б.
23. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – харши. Насаф, 2000. - 79 б.

- .Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуҳлар ва истиҳболлари
ҒРеспублика илмий-амалий конф. мат. – Т.: ЎзПФТИ, 2003. – 250
б.
- .Соғлом авлодни шакллантиришда янги педагогик технлогияларнинг
ўрни. Тошкент вилояти ёш олимларининг II- илмий-амалий
анжумани мат. - Т.: ТВХТХМОИ, 2002. - 76 б.
- .Толипов Ў.х. Тажриба-синов ишларини ўтказишда янги педагогик
технлогиялар ҒХалқ таълими ж., 1999. № Бошланғич3. - 63-67 б.
- .Толипов Ў.х.,М.Усмонбоева. Педагогик технология асослари ҒҒ «Мактаб
ва ҳаёт» журнаliga илова. – Т.: ЎзПФТИ, 2003. – 32 б. 151.Турсунов
И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курсиғ Дарслик. - Т.: Ўқитувчи,
1997. - 232 б.
- .Турсунов И. Халқ таълимининг долзарб муаммолари. – Т.: Ўқитувчи,
1990. – 140 б.
- .Юсупов Э.Ю. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Т.:
Университет, 1998. – 225 б.
- О.Юсупов Э., Юсупов Ў. Маънавий камолот ва жамият тараҳҳиёти.
–Хўжанд, 1996. - 170 б.

ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Bob kizlik. Lesson Planning, Lesson Plan Formats and Lesson Planғ
Ideas.. www. ADPRIMA com.
2. Околелов О.П. Дистанционное обучение: сухность,
дидактические особенности технологии. <http://www.lipetsk.ru/legi>

